

ТАРККИЁТ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

03/2024

Шароф Рашидов:

МИЛЛАТНИНГ
ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ

СУНЪИЙ ЗАКО

ва инсоният

КИШЛОҚ
ХУЖАЛИГИ:

ҲАРАКАТ,
БАРАКА ВА
САМАРА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС
ПОЙДЕВОРИ ИЛМ-ФАН ОРҚАЛИ
ЯРАТИЛАДИ

8-ДЕКАБР – Ўзбекистон Республикаси конституцияси куни муносабати билан ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!

Аввало, ушбу қутлуғ айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги Конституция байрамининг алоҳида руҳи ва шукуҳи борлигини бугун барчамиз чуқур ҳис этиб, англаб турибмиз. Бу, биринчи навбатда, мазкур айёмнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда

катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда ўтаётгани билан боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, шу йил 27-октябрда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга очиқлик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий қонунимизни

ЖУМЛАДАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИГА АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР ҲАЖМИ 2 БАРОБАР КЎПАЙТИРИЛИБ, ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИГА ЎТИШ ВА АҲОЛИНИ КАФОЛАТЛАНГАН ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўлганини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳамжихатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайловлар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги

вакиллик тизими шаклланиши албатта барчамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳати – ҳокимлар бир пайтнинг ўзида маҳаллий кенгашларга ҳам раҳбарлик қилиб келган амалиётдан ушбу органларга илк бор депутатлар орасидан сайланган кенгаш раиси бошчилик қиладиган янги тизимга ўтилмоқда.

Бундан ташқари, ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий кенгашларга ўтказилгани ижтимоий ҳаётимизда демократия, халқпарварлик тамойиллари тобора кенг ўрин олаётганидан далолат беради.

Биз “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий принципга амал қилган ҳолда, парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш, самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, уларни чинакам халқ овозига айлантиришга қаратилган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйи-

ча Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етгани, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Ислохотларни жадал давом эттириб, янгиланган Конституциямиз нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, оила ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-жойлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт мас-

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАСТУРЛАРИМИЗ ДОИРАСИДА ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ОЛИЙГОҲЛАРДА ҚАМРОВ 50 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ.

канларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилади. Биргина 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгилашни қуриш учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир муҳим йўналиш – аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги босқичга кўтарилади. Пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, янгиланган

Бош қомусимизда фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқлари конституциявий даражада белгиланиб, давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлашга қаратилган мажбуриятлари алоҳида мустақамлаб қўйилди.

Кириб келаётган 2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилганимиз ва бу борада катта вазифаларни аниқ белгилаб олганимиз ана шу конституциявий қоида ва принципларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни ушбу йил бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақираман.

Ҳеч қачон унутмайлик: табиатни асраш – бу инсонни, келажакни асраш демакдир. Бебаҳо бойлигимиз бўлган серҳосил дала-ларимиз, зилол булоқларимиз, дарё ва кўлларимиз, тоғ ва адирларимизни асраб, боғу роғлар, яшил масканларни кўпайтирсак, Ўзбекистонимиз янада гўзал диёрга айланади, авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолади.



Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислохотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу маънода, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури,

хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси бўлган Асосий Қонуни-миз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бу ноёб қомуснинг ҳар бир моддаси ва қондасини ўрганиш, уларга ҳурмат, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиб, тўлақонли ижро этиш барчамиз учун муқаддас бурч ва мезонга айланишини истардим.

Аминманки, ана шундай юксак масъулият билан астойдил меҳнат қилиб, ислохотларимиз самарасини яна-

да оширамиз ва олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга албатта етамиз.

Сиз, азиз юртдошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ватанимизнинг обрў-эътибори, шону шуҳрати зиёда бўлсин!

Барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори бўлган халқимиз омон бўлсин!



МУНДАРИЖА

03/2024, декабрь



66

Мустақил
Ўзбекистон –
буюк кўҳна
тарихи
ҳозирги замон

тараққиёти билан ўзаро
узвий боғлиқ бўлган
истикболи порлоқ мамлакат.
Унинг маънавий, маърифий
ва тарихий салоҳияти жаҳон
ҳамжамиятида тобора
муносиб ўрин эгалламоқда.

8

Оқил САЛИМОВ:
ШАРОФ РАШИДОВ:
МИЛЛАТНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ

12

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ:
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:
ҲАРАКАТ, БАРАКА ВА САМАРА

20

Акмал САИДОВ:
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ.
МУСТАҚИЛЛИКҚА СОДИҚ ВА
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАР АВЛОД

24

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ:
“УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ
ИЛМ-ФАН ОРҚАЛИ ЯРАТИЛАДИ”

36

Муҳаммад АЛИ:
ЮРАКЛАРДА ЖОНАЖОН
ВАТАН ҲИССИ

42

Алишер РАВШАНОВ:
СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ

48

Беҳзод САЪДУЛЛАЕВ:
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Ҳалима БОТИРОВА:
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ЭКОЛОГИЯСИ

54

Зухриддин ХАЙДАРОВ:
ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ
МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК

59

Муҳайё АЙИТБАЕВА:
ЭКОЛОГИК ЯНГИ ҚУРИЛМА

66

Саидаброр ЮСУПОВ:
ХАЗОН ЙИҒИШНИНГ
ИННОВАЦИОН УСУЛИ

68

Нормурод НОРҚОБИЛОВ:
БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИГА
БЎЙЛАШГАН – КАНПИРАК

69

Насимжон АЛИМОВ:
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АДОЛАТ –
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
АСОСИЙ МЕЗОНИ

74

З.АЛИМОВА, А.ҚУРБОНОВ:
ГИДРАВЛИК ТИЗИМИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
МОЙЛАРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

82

С. СУЛАЙМАНОВ, Д.Н. САИДОВ:
ОПЕРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОР-
ЛИГИНИ ОШИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

87

Умар САЙФИДДИН:
ЭЛЧИ

92




34

Сизлардек
хорижда
ўқиган, йирик
компания-
ларда ишлаб,

тажриба ортирган юқори ма-
лакали мутахассислар ҳам
юртимизга қайтиб келиши
ва бутун салоҳияти билан
Янги Ўзбекистонни барпо
этишда иштирок эта оли-
шлари учун барча шароитни
яратишимиз керак.

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ



**Алишер
РАВШАНОВ**

сиёсий фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Республикаимизнинг ҳозирги кундаги сув хўжалиги соҳаси учун зарур кадрлар тайёрлаш сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш мазкур жабҳанинг ривожланиш имкониятлари, унинг такомиллашиб боришига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Бу борада, олиб борилган кузатишлар ва илмий таҳлиллар натижалари шундан далолат берадики, сув хўжалигида янги воситалар ва инновацион технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ортишига ва энг асосийси, ресурслар тежалишига эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Аммо бу соҳадаги инновацияларнинг барчасини ишга солиш ва исталган юксак натижадорликка эришиш учун замонавий фикрлайдиган, иқтидорли ва билимли кадрларнинг янги авлодини тарбиялаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев

кадрлар тизими фаолиятига танқидий баҳо бериб, “Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимооти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда. Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди. Бундай нотўғри иш тақсимотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди” деган фикрни билдирган эди.

Бундан шуни англаш мумкинки, қишлоқ ва сув хўжалигига қанчалик янги, инновацион ресурслар, тежамкор ва самарадор технологиялар билан бирга, билимли ва иқтидорли ёш кадрлар жалб этилса, бу шунчалик кўп ютуқларга эришилишига, ҳосилдорликнинг ортишига, иқтисодий фойда ва манфаатдорлик ортиб боришига, танқис сув ресурсларининг тежалишига сабаб бўлади.

Буни биз нафақат қишлоқ ва сув хўжалигида, балки бошқа соҳаларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги даврда сув хўжалиги соҳаси учун замонавий кадрлар тайёрлаш сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, унинг шаклланиши ва такомиллашиш босқичлари, умумий қонуниятлари, жаҳон ва республикаимиз ҳаётига доир далиллар ва мисоллар асосида ўрганилган, унинг назарий ва амалий жиҳатлари илмий асослаб берилган. Шунингдек, сув хўжалиги соҳасида етук кадрларни шакллантиришда таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бу бўйича дунёнинг ривожланган олий ўқув юртинининг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалари илмий-назарий асосда таҳлил этилган ва тадқиқотдан олинган илмий натижалар асосида амалиётда кенг фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги глобллашув шароитида мамлакатимизда табиий ресурслардан, айниқса, сувдан самарали фойда-

ланиш йўллари ва воситаларини излаб топиш эҳтиёжи кучаяётгани, ирригация соҳасининг тез суръатлар билан ўсаётгани ва ушбу соҳага нисбатан эътиборнинг ортиб бораётгани шубҳасиз. “Мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун аввало ёш, иқтидорли кадрлар зарур”. Бу эса, ўз навбатида, янги тафаккурга эга бўлган замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини муттасил такомиллаштириб бориш, ушбу йўналиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-42-сон “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ҳамда соҳага оид

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ушбу тадқиқотимиз учун муайян даражада хизмат қилади.

Буларнинг барчаси сув ҳўжалиги соҳасида давлат хизматининг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга, шунингдек, бу борадаги илғор халқаро тажрибалар асосида кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг самарали тизимларини ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда.

Республика сув ҳўжалиklarининг замонавий техника воситалари ҳамда мутахассис кадрлар билан таъминланганлиги масаласининг доимий эътибордалигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатимизнинг мустақил бўлиб тараққий этиши билан боғлиқ жиддий аҳамиятга молик ўзгаришлар ва янгиланишлар юртимизда олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг ягона маркази бўлган “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети ҳа-

ётида ҳам кескин бурилиш, янги давр шаклланиши учун асос бўлди.

Айни вақтда, университет талабаларини тарбиялаш борасида, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантириш борасида ҳамда йигит-қизларимизни янги давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган етук кадр сифатида шакллантириш борасида керакли шарт-шароитларни, имкониятларни яратиш, кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни стратегик мақсадга айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6024-сон Фармонида сув ҳўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш бўйича муҳим тамойиллар белгилаб қўйилган. Унда сув ҳўжалигини бошқариш соҳасидаги муҳан-



дис-техник кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш сув хўжалигининг барча тармоқларида сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш, суғориладиган майдонларнинг ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувни тежайдиган замонавий технологияларини жорий этиш ва кенг қўллаш масалаларини самарали ҳал эта оладиган мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилади.

Ушбу соҳада яқин ўн йиллик режаларга мувофиқ, сувни тежаш ишларини йўлга қўйиш орқали тежалган сувни аҳоли ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларини кейинчалик сув билан таъминлаш имкони пайдо бўлади. Айни шу аснода, суғориладиган шўрланган майдонларни 1935 минг гектардан 1722 минг гектарга, ўрта ва юқори шўрланган ерларни 607 минг гектардан 430 минг гектарга қисқартириш, сизот сувлар сатҳи критик даражада (0-2 метр) бўлган суғориладиган ерларни 1051 минг гектардан 773 минг гектарга камайтириш, фойдаланишдан чиққан 298,5 минг гектар суғориладиган ерларни 2025 йилга келиб қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиш соҳа ривожига доир долзарб вазифалар сирасига киради. Суғориш сувига талабни аниқлаш, сув тақсироти ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг қилиш, шунингдек сув танқислиги даврида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун янги усул ва технологияларни, шу жумладан АКТ ва бошқа инновацион технологияларни жорий этиш, унда “Ақлли сув” (“Smart Water”)

автоматлаштирилган сув ўлчаш тизими жорий этилган сув хўжалиги объектлар сонини 2025 йилда 560 та ва 2030 йилда 1000 тагача етказиш ҳамда 100 та йирик сув хўжалиги объектларида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш кабилар ҳам ишлар қўлами кенглигидан далолат беради. Шу билан бирга, мавжуд мелиоратив кузатув қудуқлари 2020 йилда 2000 та, 2025 йилга келиб 8500 та ва 2030 йилга келиб 27270 тасини автоматлаштирилган мониторинг тизими билан жиҳозлаш, Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги насос станцияларида электр энергияси истеъмолини онлайн мониторинг қилиш тизимини 2025 йилда 450 та ва 2030 йилга келиб 887 та насос станцияларида жорий этиш, сув сифати стандартларига миллий қонунчиликда ва республиканинг экологик барқарорликка эришиш мажбуриятларида белгиланган даражага эришиш, сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 2025 йилгача 25 та ва 2030 йилгача 50 та лойиҳаларни амалга ошириш, суғориш учун сув етказиб бериш харажатларини 2025 йилга келиб камида 15 фоиз ва 2030 йилга келиб 30 фоизгача сув истеъмолчилари томонидан қопланишини таъминлаш вазифалари ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Буларнинг барчаси кейинги йилларда ушбу соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсати инсон ҳаёти учун, аввало унинг соғ-саломатлиги учун, соғлом меҳнат қилиб, ўзи орзу қилган ютуқ, муваффақият, мақсадларга

етиб яшаши учун энг муҳим, энг бебаҳо, энг зарур бўлган буюк инъом - ер-сув, атроф-муҳитга бўлган соғлом эҳтиёж ва муносабатларнинг тўхтовсиз давом этишига қаратилганидан далолат беради. Айни вақтда, ушбу сиёсат негизида инсон онги, тафаккури, билими, дунёқараши тобора юксалиб борган сари, шунга яраша барча соҳаларда, касб-ҳунарларда турли оламшумул янгиликлар, кашфиётлар, ихтиролар, энг қулай бўлган яшаш тарзига интилишлар ҳам тобора шиддат билан ўсиб бормоқда.

Ўз навбатида бу, ер-сувни авайлаб-асраш, қадрига етиш, унга ҳеч қандай зарар, талофат етказмасдан фойдаланиш билан бирга, уни келажакдагилар ҳам тўлиқ манфаат кўришлари мумкин бўлган ҳолатда етказиш билан боғлиқ масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур ҳис қиладиган замонавий фикрлайдиган, билимли замонавий кадрларни тайёрлашнинг янада долзарб вазифага айланиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда бу борада ҳам соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш тамойиллари ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш ҳамда ана шу жараён талабларига мос янги авлод кадрларини тайёрлаш учун асос бўладиган давлат концепцияси ишлаб чиқилди. Бу соҳада Президентимизнинг тарихий аҳамиятга молик ҳал қилувчи қарорлари ҳамда фармонлари қабул қилинди.


Ушбу йўналишдаги долзарб вазифаларни амалга ошириш бўйича ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда юксак натижаларга эришадиган етук ва замонавий кадрларни тайёрлашга хизмат қиладиган имкониятлардан оқилона фойдаланиш кутилган натижаларни бериши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган майдонларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларни янада самарадорлигини ошириш учун замонавий кадрларга катта эҳтиёж мавжуд.

Умуман олганда замонавий кадрлар қандай бўлиши керак, улар қандай сифатларга ёки имкониятларга эга бўлиши лозим, деган саволлар барчамизни қизиқтириши табиий.

Замонавий кадр юқори малакага эга бўлиши, масъулиятли, эҳтиёткор, виждонли, ишлашга ғайратли, очиққўн-гил, маънан ривожланган, режалаштириш ва ўзини ўзи ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ҳозирги замонавий шароитда у ҳаракатчан, стрессларга чидамли ва ижобий фикрлаш қобилияти каби фазилатларга муҳтож.

Замонавий кадр ўз касбий билим даражасини мунтазам равишда ошириб бориши керак. Замонавий кадрлар ўз



ишини нафақат ишлаб турган ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини, балки илғор хорижий давлатларнинг ҳам иш тажрибаларини билиши лозим. Замонавий кадр учун муҳим сифат - бу ўз-ўзини ривожлантириш истаги ва юқори даражадаги билимдир.

Замонавий кадрларнинг энг муҳим фазилатларидан яна бири бу унинг психолог бўлиш қобилиятидир. Юқори даражадаги ходим билан суҳбатлашаётганда, у қандай одам эканлиги ҳақида тўғри хулоса чиқариши, уни тушуниши лозим.

Профессional стандартларга кўра, замонавий кадрлар мавжуд маълумотларни таҳлил қила олиши, ўзгарувчан шароитда уларга ечим топа олиши зарур. Замонавий кадрлар нафақат керакли маълумотларни топа олиши, уларни таҳлил қила олиши, балки энг муҳим бўлган маълумотларни ҳам ишда қўллаш олиши лозим.

Эҳтиёткорлик, замонавий кадрнинг энг муҳим фазилат-

ларидан бири бўлиши лозим. Бу кадрларга ҳужжатлар билан ишлашда, хатолардан қочиш имконини беради ва мураккаб вазифаларни бажаришга катта ёрдам беради. Эҳтиёткор кадрлар иш берувчининг муваффақият калитларидан биридир. Ҳуқуқий саводхонлик ҳам замонавий кадрлар учун энг керакли бўлган асосий фазилатлардан бири ҳисобланади. Юқоридаги барча фазилатлар кадрларга муваффақиятли ишлашига ёрдам беради.

Замонавий кадрлар тайёрлаш сиёсати борасида бугун мамлакатимизда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулар қатори сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ҳамда бу соҳани такомиллаштириш учун асос вазифасини ўтайдиган етук кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сув хўжалиги соҳаси учун замонавий, етук кадрларни тайёрлаш, уларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири талабаларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этишни тақозо этади. Чунки талаба-ёшлар жамиятнинг фаол қисми сифатида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита таъсир этувчи сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг субъектидир. Сиёсий ва иқтисодий тизимнинг трансформацияси натижасида қадриятлар йўналишининг таназзули аҳолида янги сиёсий мада-

ниятни шаклланиши билан бирга сиёсий ижтимоийлашувнинг янги тизимини яратишни талаб этади. Сиёсий ижтимоийлашув эса ўз навбатида барқарор сиёсий тизим, сиёсий тажриба, қадрият ва меъёрларни янги авлодга етказиш ва сақлаб қолишни таъминлайди.

Замонавий кадрларнинг сиёсий маданияти даражасини юксалтириш, сиёсий жараёнларда уларнинг ўрни ва ролини тушунтириш ўта муҳим масала бўлиб, бу талаба-ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш заруриятини юзага келтиради.

Мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий жараёнларнинг характери айнан кадрларнинг сиёсий фаоллик даражаси билан белгиланиб,

жамиятнинг барқарорлигида акс этади. Талаба-ёшларнинг сиёсий фаоллиги асосан “сиёсий иштирок” тушунчаси билан ифодаланади.

“Сиёсий иштирок” – давлат сиёсатини амалга ошириш ёки сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида индивидуал ёки гуруҳий таъсир қилиш мақсадида ижтимоий-сиёсий жамиятнинг аъзоси сифатида ҳаракат қилишдир.

Шунингдек, замонавий кадрларда ассертив хулқни шакллантириш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ассертивлик тушунчаси инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “assert” феълининг ҳосиласи ҳисобланади. Ассертивлик ўзгаларнинг шахсиятини ҳурмат қилган ва уларнинг шаънига тегмаган ҳолда шахснинг ўз қараши, ёндашувида туриб, шахснинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини

ишонч билан ҳимоя қила олишини англатади.

Шу боис, талаба-ёшларда, ассертив хулқни шакллантириш ва бунга доир тадқиқотларда хулқ-атворнинг интегратив стратегияси ифодаланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижтимоий мослашувчанликни таъминлаш мақсадида ижтимоий-психологик тренинглар ўтказилган гуруҳларда ассертивлик юқори ифодаланиб, мослашувчанлик даражаси ҳам юқори ифодаланган бўлади. Ижтимоий-психологик тренинглар ўтказилмаган гуруҳларда мослашувчанлик ва ассертивлик даражаси пастлиги кузатилади. Демак, талабаларда ассертивликни шакллантириш, яъни ассертив хулқнинг асосий компонентларини тренинглар орқали таркиб топтириш мумкин экан.

Шунингдек, етук кадр бўлиш ҳамisha креатив ёндашишни ҳам талаб қилади. У талабаларни ўз-ўзини реализация қилишлари, ўз ички имкониятларини аниқлашлари ва намоён этишларига қаратилади. Шунингдек, интеллектнинг юқори коэффициенти креативликнинг юксак кўрсаткичлари билан тўлдирилса, инсон касбий ва бошқарув фаолиятида катта муваффақиятларга, ўзида ижодий-тадқиқотчилик лаёқатларини таркиб топтиришга эришади.

Биламизки, қайси мамлакатда истеъдодли, фидойи ҳамда ижодкор кадрлар қанчалик кўп бўлса, ўша ерда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўзга ташланади.

Ўзбекистонда
фойдаланиладиган сув
ресурслари 90 фоизи
қишлоқ хўжалигига тўғри
келяпти



Келажагини ўйлаган давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кадрлар учун ижодий фаолиятга кенг йўл очиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, республика ҳудудларидаги сув билан боғлиқ муаммолар ечимида таълим тизими имкониятларидан фойдаланиш, унга энг замонавий усулларни жорий қилиш билан ҳисса қўшиш ниҳоятда муҳим йўналишлардан биридир. Айти пайтда ўсиб келаётган ёш авлоднинг бу борадаги саводхонлигини ошириш, экологик онги ва экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, мазкур йўналишда етук кадрлар тай-

ёрлаш таълими ва тарбияси жараёнини самарали ташкил этиш жуда улкан маъно ва мақсадни касб этади.

Бу ишларнинг асосий аҳамиятли томони шундаки, қисқа муддатда унинг билимдонлари, мутахассислари сонини кўпайиши билан бир қаторда, тез орада энг замонавий талабларга жавоб бера оладиган, иқтидорли ва билимли кадрларнинг янги авлоди шаклланиши учун барча имкониятларни яратиб беради.

Тадқиқотимиз Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида жадал суратларда ривожланиб бораётган жамиятимиз ҳаётининг барча

соҳалари қатори, сув хўжалиги ва бу йўналиш эҳтиёжларига мос кадрлар тайёрлашнинг моддий таъминоти ва ташкилий омиллари билан бир қаторда, унинг илмий-инновацион ва маънавий-маърифий омилларини мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Таҳлилларимиз юртимизда сув хўжалиги тизими ташкилотлари ва уларнинг қуйи тармоқлари учун етук кадрлар тайёрлашнинг маънавий-маърифий тизimini янада такомиллаштиришга қаратилган фаолият ўз самарасини бераётганини тасдиқлайди.



Чорвоқ сув омбори -
Ўзбекистондаги энг йирик
сув заҳираси

2025

“АТРОФ-МУХИТНИ
АСРАШ ВА “ЯШИЛ”
ИҚТИСОДИЁТ
ЙИЛИ”

